

Муаллифлар Абдиев У.Б., Йўлдошев Б.А. томонидан ёзилган **“Муқобил энергия манбалари турлари ва улардан самарали фойдаланишнинг келажакдаги истиқболлари”** номли илмий мақоласига

ТАҚРИЗ

Муаллифлар томонидан тақдим этилган мақолада ҳозирги кунда бутун дунёда долзарб ҳисобланган энергетика масалаларига бағишланган. Бунда муқобил энергия манбалари ва улардан самарали фойдаланишнинг келажакдаги истиқболларига доир маълумотлар келтирилган. Шунингдек, мақолада муқобил энергия манбалари турлари, замонавий конструкциялари, улардан фойдаланишнинг техник-технологик имкониятлари ва келажакдаги истиқболларига доир қизиқarli маълумотлар келтирилган ва таҳлил қилинган. Бундан ташқари, муқобил энергия манбалардан фойдаланишнинг ҳозирги пайтдаги муаммо ва ечимлари, энг замонавий конструкциялари ҳамда имкониятлари атрофлича муфассал ёритиб берилган. Бу маълумотлар билан, яъни, муқобил энергия манбалари ичида энг самарадор турларидан қуёш энергетикаси, шамол энергетикаси ва биоэнергетикалардан оқилона ва тежамкор фойдаланиш бўйича баъзи кўрсатма ва мулоҳазалар баён этилган. Мисол тариқасида, қуёш энергиясидан дунё бўйича фойдаланиш 2030 йилга бориб дунёда ишлаб чиқрилайётган электр ва иссиқлик энергия манбаларининг 30-35 % ини ташкил этиши келтирилган. Қуёш энергетикасида: Қуёш фотоэлектрик қурилмалар (қуёш панеллари) асосини қуёш батареяси ташкил этиб, у аккумуляторлар батареясини қуёшдан келайётган ёруғлик фотонлари энергияси ҳисобига зарядлаб беришининг замонавий усул ва методлари ёритиб берилган.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, ушбу мақола, илмийлиги, долзарблиги жиҳатидан илмий журналларда чоп этилишига лойик деб ҳисоблайман.

ТерДУ, “Физика” кафедраси доценти, ф.-м.ф.н. **НОРИЕВ М.М**

